

# ЭРТАГА ПОЙТАХТИМИЗДА ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING IX ҚУРУЛТОЙИ БЎЛИБ ЎТАДИ

Inson manfaatlari — oliy qadriyat



IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA info@adolatgz.uz www.adolatgz.uz www.adolat.uz № 44 (1265) 2019-yil 1-noyabr, juma

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ КОТИБИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 31 октябрь куни мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Россия Федерацияси Хавфсизлик кенгаши котиби Николай Патрушевни қабул қилди.

Президентимиз меҳмонни самимий қутлар экан, икки давлат раҳбарларининг мунтазам ва самарали мулоқоти туфайли сўнгги йилларда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари жадал ривожланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Николай Патрушев, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун сиздиқидан миннатдорлик билдириб, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг саломи ва эзгу тилаklarини етказди.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликка оид, шунингдек, халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб жihatлари, жумладан, Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш истиқболлари муҳокама қилинди.

Хавфсизликка таҳдид солаётган замонавий хатарларга қарши курашиш бўйича ҳамкорлик қилиш, ҳарбий ва ҳарбий-техник соҳаларда амалий шерикликни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

ЎЗА

## МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР, СОЛИҚ-БЮДЖЕТ СИЁСАТИ ВА 2020 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ПАРАМЕТРЛАР КЎРИБ ЧИКИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 31 октябрь куни макроиқтисодий кўрсаткичлар, солиқ-бюджет сиёсати, давлат бюджетининг жорий йилда қўйлаётган ижроси ва 2020 йилга мўлжалланган параметрлар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Эслатиш жоиз, 2018 йил 22 август куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев "Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараянида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорга имзо чеқди.

Мазкур қарорга мувофиқ, бюджет маълумотларининг очиқлигини янада ошириш мақсадида бюджет маблағларининг шаклланиши ва сарфланиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатишнинг янги тартиби белгиланган. Ушбу тизимга кўра, 2020 йилдан бошлаб давлат бюджети қонун шаклида қабул қилинади ва халқ вакиллари томонидан назоратга олинади. Парламентга тақдим этиладиган Бюджет тўғрисидаги қонун лойиҳасида ва Бюджетномада аҳоли ва ташқи ҳамкорларимизга мамлакат бюджетининг ҳолати очиқ-ойдин, халқаро стандартларга мувофиқ тарзда кўрсатилади.

Республика бюджети борасидаги норматив ҳужжатлар Олий Мажлис томонидан, маҳаллий бюджетлар эса жойлардаги маҳаллий кенгашлар томонидан қабул қилинади. Колаверса, харажатлар соҳалар бўйича эмас, вазирилик ва идоралар кесимида тасдиқланади. Идоралар мустақиллигини ошириш билан бирга, уларнинг харажатлар самараси учун масъулиятни ҳам кучайтирилмоқда.

Жорий этилаётган янги тизимнинг яна бир ўзига хос жиҳати — марказлашган бюджет сиёсатидан босқичма-босқич воз кечиш. Маса-

лан, маҳаллий бюджетлар даромадини мустаҳкамлаш мақсадида автоматотранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш йиғимлари маҳаллий бюджетга ўтказилмоқда. Алкоголь маҳсулотлари ва мобиль алоқа хизматини кўрсатиш учун акциз солиғи тушумлари аҳоли сонидан келиб чиқиб ҳудудлар ўртасида қайта тақсимланади. Қўшимча қиймат солиғи ва юридик шахслардан олинган фойда солиғи бўйича прогноздан орттириб бажарилган қисми тўлиқ ҳудудларда қолдирилади.

2020 йилдан бошлаб маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадлари кенгашлар томонидан маъқулланган йўналишларга ажратилади. Фақат кечиктириб бўлмайдиган харажатларгина ҳокимликлар томонидан тасдиқланиши ва кейинчалик уларнинг тўғри сарфлангани ҳақида кенгашлар олдида ҳисобот берилиши лозим.

Йиғилишда мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари, келаси йилга мўлжалланаётган прогноз параметрлари, иқтисодиётга таъсир этиши мумкин бўлган ички ва ташқи омиллар чуқур таҳлил қилинди.

Халқаро экспертлар, хусусан, Халқаро валюта жамғармаси жорий йилда жаҳон ялли маҳсулоти ўсиши дастлабки прогнозга нисбатан 1 фоизгача камайиб, 3 фоиз бўлишини тахмин қилган. Мамлакатимизнинг асосий савдо ҳамкорлари бўлган давлатларда ҳам иқтисодий суратлар суллашган.

2

## ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ



## "Адолат" СДП Ҳукумат ҳисоботини танқидий кўриб чиқди

Юртимизда олиб борилаётган ислохотларнинг асосий мақсади халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилгандир. Ушбу мақсадга эришиш учун, аввало, давлат томонидан белгиланган дастур ва режаларнинг ўз вақтида ижросини таъминлаш муҳим ҳисобланади. Жорий йилдан амалиётга киритилган

янги институт — Ҳукумат аъзоларининг Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросига қаратилган ҳисоботларни Олий Мажлисга тизимли равишда тақдим этиб бориши мамлакат стратегик режаларининг ўз вақтида таъминланишига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

2

## Депутат кўтарган муаммо Бош вазир назоратига олинди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Депутатлар, партия экспертлари ва фаоллари қатнашган мазкур тадбирда жамият учун муҳим аҳамият касб этган масалалар, хавфсизлик, қишлоқ хўжалиги, метрология ва бошқа соҳаларга оид бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Йиғилишда дастлаб "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган транспорт соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш, автомобиль транспорти ҳамда метрополитен соҳасини давлат томонидан бошқариш бўйича ягона давлат тариф сиёсатини амал-

га ошириш, жамоат транспорти воситаларидан фойдаланишда аҳолига қулайликлар яратиш масалалари муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, Давлат дастурида транспорт соҳасидаги давлат, хўжалик бошқаруви органлари мансабдор шахсларига юклатилган масъулиятли вазифаларнинг ижроси таҳлилларига бағишлаб Олий

Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси аъзоси, қўйи палатанинг sanoat, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси Ёрмамат Холияров муаллифлигида "Тошкент метрополитени жетонлардан қачон воз кечади?" сарлавҳали мақола эълон қилинган эди.

2

## МАТБУОТ АНЖУМАНИ



## Янги матбуот марказида илк тадбир

Жорий йилнинг 30 октябрь куни Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши оммавий ахборот воситалари ходимлари, блогерлар учун матбуот анжумани ўтказди.

Тадбир аввалида партиянинг оммавий ахборот воситалари билан ишлаш тизимини янги босқичга кўтариш, очиқлик, ошқоралик ва шаф-

фоликни таъминлаш мақсадида партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати қошида фаолият бошлаган Матбуот марказининг очилиш маросими

ўтказилди. Журналистлар марказ билан бевосита танишиб, мақсад ва вазифаларидан бохабар бўлишди.

6

## ДОЛЗАРБ МАВЗУ

## Трансплантация ўтказилган беморлар муаммосига ДЕПУТАТ АРАЛАШДИ



— Қизимга тўрт йил олдин отасининг буйрағи кўчириб ўтказилди. Операцияни Ҳиндистонда қилдирдик ва шифокорлар доимий ичиб юришга дорилар буюрди. "Панграф" дориси давлат томонидан берилар, "Майфотик"ни ўзимиз сотиб олардик. Бу дорилар дорихоналарда йўқ, интернет орқали Ҳиндистондан буюртма бериб, қиммат нархда сотиб оламиз. Шу йил августдан бери Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан бепул тарқатиладиган "Панграф" ўрнига "Ролиграф" бериладиган бўлди. Лекин мен ундан қизимга ичирмадим. Чунки уни қабул қилгач, аҳволи оғирлашиб қолган беморлар ҳақида эшитиб, бундан қўрқдим.

3

## МЕН ҚУРУЛТОЙДАН НИМАЛАР КУТАЯПМАН?

Эртага пойтахтимизда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг IX Қурултойи бўлиб ўтади. Мазкур сиёсий анжуманда ҳар бир делегат катта орзу-мақсадларни кўзлаб, ўз сўзини айтиш, партия фаолиятида янги саҳифалар очилишига ҳисса қўшиш истағи билан фаол иштирок этиши шубҳасиз.

Шу маънода қуйида бир гуруҳ фаолларимизнинг партия Қурултойидан нималар кутаётганлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

4-5



ХИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

Ўзбекистон "Адолат" СДП худудий кенгашларининг сайловлар оралигадаги фаолияти таҳлили, жорий йилги сайловларга тайёргарлик юзасидан ҳисобот-сайлов конференциялари ўтказилиб, мазкур ташкилотлар олдида турган галдаги вазифалар белгиланди.

# Камчиликлар такрорланмайди

**СУРХОНДАРЁ** вилоят партия кенгашларининг навбатдаги конференциясида худудда партия тузилмалари, депутатларнинг ҳисобот давридаги фаолияти таҳлил қилиниб, галдаги вазифалар белгилаб олинди. — Партиянинг бир қатор лойиҳалари доирасида қилинган амалий ишлар аҳолининг манфаатларига хизмат қилиши билан бирга, жойларда фуқароларнинг партиямизга бўлган ишончини оширмақда, — деди Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят кенгаши раиси Р.Хамраев. — Жумладан, "Адолат" — қонун устуворлигида лойиҳаси доирасида партия фаоллари ва депутатларидан иборат ишчи гуруҳлари ҳар ҳафтадан қоршанба кунини маҳаллаларда аҳоли билан юзма-юз мулоқот олиб бориши. Шу мақсадда улар 1236 та маҳалладан 26508 та хонадонда бўлиб, фуқароларни ўйлантираётган муамоларни аниқлашти, 235 та ҳўжалик юритувчи субъектларда ўрганишлар ўтказилди. Учрашувлар мобайнида аҳоли томонидан келиб тушган жами 2168 та мурожаат юзасидан 645 та мутасадди ташкилотларга депутатлик сўровлари юборилди. Натихада 986 та масала ижобий ечим топди. 200 ортик мурожаатлар мутасадди органларни

жалб этиш орқали жойида ҳал этилди. 100 га яқин мурожаатлар юзасидан фуқароларга ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Партиянинг "Бир ойда бир иш ўрни" лойиҳаси доирасида жами 52 нафар шахс ишга жойлаштирилди. Конференцияда худудда партия депутатлик гуруҳларининг фаолияти таҳлил қилинди, танқидий фикрлар билдирилди. Таъкидланганидек, ҳисобот даврида халқ депутатлари вилоят Кенгашида фаолият кўрсатётган партия депутатлари томонидан чиқарилган депутатлик сўровлари ҳам бир қатор муаммоларни бартараф этишга асос бўлди. Бу борада йилдан-йилга фаоллик ортаётганлиги кузатилади. Мазкур депутатлик гуруҳи аъзолари мутасадди ташкилотларга 2015 йилда 23 та депутатлик сўрови чиқарган бўлса, 2016 йилда 28 та, 2017 йилда — 30, 2018 йилда — 34, 2019 йилнинг 9 ойи давомида эса 37 та депутатлик сўровлари киритдилар. Шу ўринда, депутатлик сўровларига ижро органи ва тегишли идора ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан жавоб бермаслик ёки кечикиб жавоб бериш ҳолатлари кўпайиб бораётганини айтиб ўтиш жоиз.

Бундай ёндашувлар депутатларнинг ўз вазифаларини самарали амалга оширишига тўсқинлик қилмоқда. Сўровларга бартараф қилинган раҳбарларга нисбатан 2017 йилда прокуратура органларига асосланган маълумотлар тақдим қилинган бўлса-да, депутатлик сўровларига ўз вақтида жавоб беришда ҳамон камчиликлар мавжуд. Шунингдек, баъзи сўровларга юзаси жавоб бериш ёки жавоб хатида белгиланган вазифаларга совуққонлик билан қараш ҳолатлари ҳам мавжуд. Конференция ишида партия дастурида кўзда тутилган вазифаларни амалга оширишда яхши натижалар тилга олинди, айрим камчиликларга йўл қўйилганлиги ҳам таъкидланди. Сайловолди дастуридаги ҳар бир йўналиши ҳамда партия лойиҳаларининг ижроси бартараф этишда партия ходимлари ва депутатлар ўзаро ҳамжихатликда яхши натижаларга эришилди. Дастурий вазифалар ижроси доирасида маҳаллий вакиллик органларининг сессиялари ва доимий комиссиялар мажлисларига масала киритишда айрим ҳудудларда партия депутатлик корпуслари фаоллик кўрсатмаганлиги танқид қилинди.

ассасанинг бирдан-бир мақсади — ўз фаолиятдан халқни рози қилишдан иборат бўлмоғи лозим. Ўзбекистон "Адолат" СДП Навоий вилоят кенгашларининг ҳисобот-сайлов конференциясида шу ҳаётий мақсад ўз ифодасини топди. Анжуманда вилоят партия кенгаши раиси Рустам Ҳайитов ташкилотнинг ҳисобот давридаги фаолияти ҳақида баътафсил сўз юритди. Р.Ҳайитов эришилган ижобий натижалар сайловларга таъсир қилишини таъкидлади. — Ўтган беш йиллик фаолият даврида партиянинг Қонимех, Учқудук, Қизилтепа туманлари ва Зарафшон шаҳар кенгашларида эътирофга лойиқ ижобий ўзгаришлар кузатилди, — деди Р.Ҳайитов. — Хусусан, жойларда мавжуд муаммоларни бартараф этишда партия ходимлари ва депутатлар ўзаро ҳамжихатликда яхши натижаларга эришилди. Дастурий вазифалар ижроси доирасида маҳаллий вакиллик органларининг сессиялари ва доимий комиссиялар мажлисларига масала киритишда айрим ҳудудларда партия депутатлик корпуслари фаоллик кўрсатмаганлиги танқид қилинди. Шу билан бирга, йўл қўйилган камчиликлардан ҳам асло кўз юмиб бўлмайди. Айрим

партия тузилмалари раҳбар ходимлари худудда вужудга келган муаммоларга етарли даражада эътибор бермади. Жумладан, Кармана, Хатирчи туманлари ва Навоий шаҳар партия кенгашларида кадрларнинг масъулиятсизлиги партиявий ишларга салбий таъсир қилди. Шу сабабли фаолиятида мунтазам камчиликларга йўл қўйиб келган мазкур ташкилотларнинг раҳбарларини вазифасидан озод этишга тўғри келди. Шунингдек, тадбирда депутатлар билан ишлаш етарлича самара бермасдан, аҳоли мурожаатларида кўтарилган масалаларни бартараф этишда юқори натижаларга эришилмаганлиги, бу борада кўп ҳолларда депутатлик сўровларига таяниб қолинганлиги, партия ходимларида ташаббускорлик етишмаслиги танқид қилинди. Тадбирда сўзга чиққан делегатлар партиямиз янги дастурининг лойиҳаси ҳақида фикр билдириб, уларда акс этган вазифалар аҳоли манфаатлари йўлида хизмат қилиши, соҳалар тараққиётига тўсиқ бўлаётган муаммоларнинг бартараф этишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтишди.

**САМАРҚАНД.** Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят кенгашларининг ҳисобот-сайлов конференциясида ҳам қизгин муҳокамага бой тарзда ўтказилди. Таъкидланганидек, бугунги кунга келиб вилоятда 41623 нафар сафдошимиз 714 та бошланғич партия ташкилотига бирлашган ҳолда дастурий мақсад-вазифаларимиз ижросини таъминлашда иштирок этмоқда. Айниқса, партия аъзолари ҳисобини юритувчи махсус электрон дастур яратилганлиги, натижада БПТ ва туман, шаҳар партия кенгашлари билан маълумот алмашиш тизимининг осонлашти-

рилгани худудлар фаолиятини доимий мониторинг қилиб бориш, уларнинг фаолияти устидан самарали назорат ўрнатиш имконини яратди. Ҳисобот даврида партиянинг ишчи гуруҳ аъзолари томонидан 1048 та маҳалла фуқаролар йиғинларида ўрганишлар олиб борилди. Учрашувлар мобайнида аҳоли томонидан 3040 та мурожаатлар келиб тушиб, улар юзасидан 882 та мутасадди ташкилотларга депутатлик сўровлари юборилди. Натихада 744 дан ортик масала ўз ижобий ечимини топди. 900 дан ортик мурожаатлар мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида ўз жойида ҳал этилди. 1000 га яқин мурожаатлар юзасидан ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. — Барча куйи ташкилотларимизда "Адолат" қабулхоналари ташкил этилган бўлиб, ўтган 3 йил давомида вилоятимиз бўйича 520 дан ортик мурожаатлар келиб тушди. Уларнинг 350 га яқини партия депутатлик гуруҳлари ва фаоллари томонидан тегишли ижро органларига сўровлар чиқариш орқали ҳал этилган бўлса, 117 нафар фуқарога ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. 20 дан ортик мурожаатлар айтиб келинган ва депутатлик сўровлари юборилди. Партиянинг "Бир ойда бир иш ўрни" лойиҳаси доирасида эса 153 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди.

*Йиғилишда сўз олганлар ўтган сайлов кампанияларида йўл қўйилган камчиликлар борасида ҳам сўз юритиб, жорий йилдаги сайловларда жараёнга жиддий ва масъулият билан ёндашишга, ҳамжихатликда ҳаракат қилишга келишиб олди.*

*Мазкур ҳисобот-сайлов конференцияларида партиямизнинг навбатдаги Қурултойига делегатлар сайланди.*

**Гулшод ТУРСОАТОВА, Акбар ЖАЙНАРОВ, Лола САЙИДОВА, Сурхондарё, Навоий, Самарқанд вилоятлари кенгашлари матбуот котиблари**

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 октябрдаги қарори асосида "Яқин қариндошлар орасида буйрак ва (ёки) жигар бўлагини трансплантация қилиш тартиби ҳақида" Вақтинчалик Низом тасдиқланди. Ушбу ҳужжат трансплантация амалиётини бажаришга кўрсатма ва қарши кўрсатмаларни, донор ва реципиентнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди. Қарорда таъкидланганидек, трансплантация бажарилгандан сўнг донор ва реципиент учун камида 3 йил давомида профилактик диспансер кўриги ташкил этилади. Шунингдек, амбулатория назоратида бўлган беморлар тегишли дори воситалари билан таъминланади.

# Трансплантация ўтказилган беморлар муаммосига ДЕПУТАТ АРАЛАШДИ

Ўзбекистонда буйраги алмаштирилган беморлар сонини 600 нафардан ортик. Улар махсус дори воситаларини мунтазам қабул қилишлари керак ва бу дорилар билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан бепул таъминланади. Аммо жорий йил август ойидан бошлаб беморларга тақлим этилаётган "Ролиграф" дори воситасини кўпчилик қабул қилишни истамай, ўрнига шу пайтгача қўлланилиб келинган "Панграф" дориси берилишини талаб қилишмоқда. Янги дорининг рад этилиши сабаби сифатида уни қабул қилган беморларнинг аҳоли оғирлашгани асос қилиб кўрсатилмоқда. Бу масала ўйлантираётган бир гуруҳ беморлар ва уларнинг яқинлари "Адолат" социал-демократик партиясига мурожаат қилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Фуқаролар соғлигини сақлаш кўмитаси аъзоси Мухаррам Дадаходжаева фуқароларни қабул қилиб, дардларини тинглади. Парламентнинг куйи палатаси биносида депутат билан суҳбат асосида мурожаатчилар ўз истакларини билдирдилар.

Чунки уни қабул қилгач, аҳоли оғирлашиб қолган беморлар ҳақида эшитиб, бундан қўрқдим. Биз трансплантация қилинган одамлар билан доимий алоқадамы, улар орасида шу дорини ичиб, диализга тушиб қолганлар, қайталаганлар кўп. Ҳиндистондаги шифокорлар билан боғланиб, "Ролиграф" дориси уларда рўйхатдан ўтмаганини айтишди. Ҳозирда олдин текин берилувчи "Панграф"ни ҳам ўз пулимизга сотиб оляммиз. Баҳоси анча қиммат, устига-устак кунига 7 та таблетка ичиш керак. Ўзбек шифокорлари "Панграф" ва "Ролиграф" бир хиллигини айтишмоқда ва ичинини тавсия қилишмоқда. Уни ичгач, ўзида ноҳўй таъсир сезмаган беморларни мисол қилиб кўрсатишмоқда. Аммо биздаги иккови хавотир таваккал қилишга йўл қўймапти.

**Маҳбуба Чориева, бемор:** — 2018 йили ўзимизда буйрагимни трансплантация қилишди. Аввало, бу имкониятдан миннатдорлигимни билдирмоқчиман. Мен каби хорижда операция қилдиришга имконияти йўқларга юртимизда тана аъзосини кўчириб ўтказишга руҳсат берилгани айни муддао бўлди. Операциядан сўнг "Програф" ва "Селсеф" дориларини бепул бериб туришди. Кейин орада узилиш бўлиб, сўнг "Ролиграф"га ўтилди. Мен бу дорини олишни рад этдим ва ўз пулимизга "Програф" сотиб оладиган бўлдим. Чунки ҳар хил гапларни эшитгач, шифокорлар билан маслаҳатлашганимизда, улар бундай дорини билмасликларини айтишди. Бир неча марта Соғлиқни сақлаш вазирлигига мурожаат қилдим. Маълум бўлишича, бу тендерда ютган дори экан. 2020 йил май ойигача етадиган миқдорда сотиб олинди. Бу олдинги дорилардан анча арзон бўлиб, шу йўл билан давлат бюджетини иқтисод қилишга ёрдам берди. Лекин нега давлат бюджетини биз каби — ўзга инсоннинг аъзоси билан яшаётган, икки йўл ўртасида турган инсонлар соғлиғи ҳисобидан иқтисод қилиниши керак? Бизнинг норозилиklarимизга "Шунча одам дори қабул қилди, яхши юрибди-ку", деб жавоб қайтаришмоқда. Лекин дори олганларнинг ҳаммаси ҳам уни ичгани йўқ, дорилар қўти-қўти бўлиб ўйларига турибди, ичинига қўриб, ўзлари аввал ичган дорини қимматга сотиб олишмоқда.



**Дилшод Мамадалев, бемор:** — Ҳиндистонда операция бўлганман. Ўша ерда шифокорлар тавсия қилган дориларни ичиб келяпман. Бошқа беморлар "Ролиграф"ни ичгач оғирлашиб қолганини эшитиб, у дорини рад қилдим. Ҳозир мутасаддилар "Ролиграф" олдинги дори билан бир хил,

бунга қаролат берамиз", деб айтишмоқда. Уни ичиб дарди зўрайган беморларнинг ҳолатини "Бунга дори эмас, бошқа сабаблар, масалан овқатдан заҳарланиш айбдор", деб изоҳлашмоқда. Ваҳоланки, биз ҳар бир қадамимизни шифокор билан маслаҳатлашиб босамиз. Ўзимизни асраб юришга, доимий парҳез қилишга мажбуримиз.

**Улугбек Қосимбеков, бемор:** — Гап шундаки, бу дорилар бир ой ёки бир йил эмас, бир умр ичилади. Нархи қиммат, бу борада давлатнинг кўмағига жудаям муҳтожмиз. Икки йил олдин Олматада трансплантация қилинганман. Менга буйрак кўчириб ўтказган шифокор "Панграф" буюрган ва ҳеч қачон доримни алмаштирмаслигини тайинлаган. "Ролиграф"ни қабул қилмадим, чунки нефрологлар у ҳақида билмапти. Керакли дориларнинг ҳаммасини ўзим, Қозоғистон орқали сотиб олмоқдаман. Бу менга анча қимматга тушмоқда ва қийин-

чилик туғдиримоқда. Чунки божхонадан ўтказишда атиги 50 та таблеткага руҳсат берилган. Бу бизнинг ҳар кунги қабул қиладиган дори ҳажми билан таққослаганда жуда кам.

**Жаҳонгир Мухрушбоев, беморнинг куйи:** — Қайнотам 2016 йили Ҳиндистонда трансплантация қилинган, унга онасининг буйраги кўчириб ўтказилган. Августда янги алмаштирилган "Ролиграф"ни қабул қилди ва мазаси қочиб қолди. Ҳозир унинг аҳоли жуда оғир, қайта буйрак кўчириб ўтказишга эҳтиёжман деб бўлиб қолди, аммо бунга етарли маблағимиз йўқ. Чунки унинг касали қайталангач, текширув ва муолажаларга кўп маблағ сарфлади. Ҳинд ва рус шифокорларига охириги текширув натижаларини тақдим этганимизда, улар икки хил хулоса тақдим этишди. Биринчиси, дори таъсири бўлса, иккинчиси, эски касалнинг хурж қилиши. Ўзбек шифокорлари эса аниқ ташхис қўймай, умумий гаплар билан кифояланишмоқда. Ҳаёти қил устида турган қайнотам "Ролиграф"ни қабул қилганидан қаттиқ афсусда.

**Моҳичеҳра Тўраҳўжаева, бемор:** — 2015 йили Ҳиндистондан операция бўлиб қайтдим. Шундан бери менга давлат томонидан "Панграф" бепул берилади эди. Кейин "Ролиграф"га ўтказишди. Ушбу дорини бир ҳафта ичдим. Шу вақт ичдида соғлигимда салбий ўзгаришлар сездим: кўнглим айниди, ичим кетди, қорним оғриди. Дорини тўхтайтиб, аввалги турини сотиб олдим. Шўқрики, аҳоли яхшиланди, ҳозир ўзимни яхши хис қилаяпман. Аммо дори харид қилишга моддий имкониятнинг танглик қилаётти. "Ролиграф" эмас, аввалгидек "Панграф"ни бепул беришса, хурсанд бўлардим.

**Дурдона АЛИМОВА, Ўзбекистон "Адолат" СДП матбуот хизмати масъул ходими**

# МЕН ҚУРУЛТОЙДАН

Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг IX Қурултойи партиявий ишларимизга янгича мазмун бағишлаб, сиёсий рақобат муҳити маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлар фаолиятида ҳам янада ёрқинроқ намоён бўлишини таъминлашга ундаши аниқ.

## Тасодиқий номзодлар кўрсатилмайди

Янги дастурларимиз лойиҳасида ҳар бир соҳа вакиллари фаолиятига чўқур ёндашилган ҳолда вазибалар белгиланмоқда. Бундан асосий мақсад туб ислохотларни ҳар бир соҳа ходими фаолиятига тўла татбиқ этиш, янгиланишлар ва ижтимоий ҳаёт ўрталарида фарқи кескин камайириш, ташаббускор фуқароларга амалий кўмак беришдан иборатдир.

Мазкур тақлифларда аниқлик, қуруқ гаплар ҳоли фикрлар, тараққиётга тўсиқ бўлаётган катта-кичик муаммоларни биргаликда бартараф этиш истаги яққол акс этган.

Дейлик, олий таълим тизимида икхидий имтиҳонларни коррупционер омилардан ҳоли этиш, умумтаълим мактабларида таълим сифатини яхшилаш, барча турдаги йўлларда видеокузатув камераларини ўрнатилган доир вазибалар амалга оширилса, қанчадан-қанча муаммоларнинг олди олинади.

Вилоятида партия депутатлари ўз ваколатлари доирасида ишлаб, бир қатор ижобий натижа-

ларга эришди. Шу билан бирга, аввалги сайловлар жараёнида йўл қўйилган камчиликлар ўз таъсирини кўрсатганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Чунки айрим депутатлар фаолиятида депутатлик сўровлари натижаларини эътиборга олмаслик, муаммоларга жиддий ёндашмаслик, сессия ва доимий комиссия қарорлари ижросини назорат қилмаслик, ўзибўларчиликка йўл қўйиш ҳолатлари ҳам кузатилди. Ачинарлиси, баъзи депутатлар беш йил давомида ўзи сайланган ҳудуддаги аҳоли муаммоларига лоқайд қараб, уларга ўз фаолиятлари юзасидан ҳисобот бермагани партия айрим номзодларни нотўғри танлаганини кўрсатди. "Адолат" партияси вакили сифатида тан олиб айтиш кераки, бу сиёсий куч учун ачиқ сабоқ саналади. Шу билан бирга, бундан тўғри хулоса чиқарганимизни ҳам таъкидлаш жоиз.

Эртанги Қурултой бу йилги сайловларда ана шундай тасодиқий номзодлар асло кўрсатилмаслигини ҳам таъминлайди. Илк бор Сайлов кодекси асосида

ўтказиладиган мазкур сиёсий воқелик партиялараро соғлом рақобат натижасини, ҳалқимиз сиёсий ислохотлар моҳиятини чўқур англаб, ҳар бир юртдошимиз фаол фуқаролик позициясига эга бўлаётганини намоён қилади.

Партияимизнинг сиёсий анжуманида шу мақсадда залворли вазибаларни зиммамизга оламиз.



**Мақсуд ҲАМИДОВ,**  
Ўзбекистон "Адолат" СДП  
Бухоро вилоят кенгаши раиси

Мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий жараён — сайловларда кимнинг қўли баланд келади, деган саволга жавоб излашдан аввал ортага бир назар ташлаш лозим.

## Партиянинг ёшлар сиёсатида янги босқич

Чунки тарғибот тадбирлари ёки Сайловолди дастуримизда жамият ривож учун хизмат қиладиган долзарб вазифаларни кўтариб чиқиш билангина мақсадга эришиб бўлмайди. Бу ҳар бир сиёсий партиянинг жамиятда қандай ўрин эгаллагани ва электорати ишончини қозонганлиги, асосийси, сайловлар оралиғидаги фаолияти билан чамбарчас боғлиқ.

Сўнги йилларда ҳудудларда ислохотларни амалга ошириш, фуқароларни қийнаётган муаммоларни ҳал этиш олдимизда турган энг долзарб вазифага айланди. Одамлар билан мулоқот ўтказишга, уларнинг муаммоларини ҳал этишга эътибор кучайди.

Бу ўрганишлар Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг янги дастурлари лойиҳасида ҳам ўз ифодасини топтоқда. Партия ҳужжатларида белгиланган вазифаларнинг барчаси мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилади. Жумладан, умумий ўрта таълим сифатини тўдан яхшилаш, умумтаълим мактаблари, болалар спорти, мусиқа ва санъат мактабларини реконструкция қилиш, янгиларини қуриш масаласи илгари сурилганлиги диққатга сазовор. Олий таълим, илм-фан соҳаларида белгиланган янги вазифаларда юртдошларимиз ўз манфаатлари акс этганига гувоҳ бўлади, албатта.

Партияимиз томонидан уч йил аввал мактабларда ижтимоий тенглик лойиҳаси илгари сурилганлиги билан чамбарчас боғлиқ. Бундан тўғри хулоса чиқарганимизни умуман олганда, таълим соҳасидаги ислохотларни амалга оширишда жамоатчиликнинг ролини кучайтириш зарур. Партияимиз фаоллари бу борада ташаббускорлик кўрсатиб келганлиги фуқароларнинг бизга ишончини мустаҳкамлади.

Ўйлаётганимиз, Қурултойда партиянинг ёшлар сиёсати янги босқичга кўтарилганига гувоҳ бўламиз.



**Мавжуда АБДУЛЛАЕВА,**  
Андижон давлат тиббиёт  
институтини кафедра мудири

## "Адолат"чилар рост гапиради

Сайловолди дастуримизда илгари сурилган илгор гоёларнинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида ўтган беш йил давомида партияимиз мамлакатимиз ҳаётида туб янгиланишлар, ислохотлар, бунёдкорлик ишларининг фаол иштирокчисига айланди.

Бу галги Сиёсий ва Сайловолди дастурларимиз лойиҳаси кенг жамоатчилик муҳокамаси давомида фуқаролар томонидан қўллаб-қувватланди. Қурултойда қабул қилинажак янги дастурларимиз келгуси беш йилликда ҳалқимизнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашига хизмат қилишига ишонамиз.

Дастурлардаги устувор йўналишлар долзарблиги, мақсад-гоёларимиз ҳаётбахш ва ҳалқчиллиги билан юртдошларимиз эътиборини тортганлиги диққатга сазовор. Фуқаролар йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларни ҳал этиш ҳақида бир қатор тақлифларни илгари суришди.

Жумладан, гепатит "А" вакилликсини бепул қилиш, яъни эмлаш календарига киритиш, мактаблардаги ҳар бир синфхонада ўқувчилар сони 25 нафардан ошмаслигини таъминлаш учун янги таълим масканлари ҳамда мавжуд мактаблар учун қўшимча кўчалар барпо этиш, умумтаълим мактабларида аниқ фанлар лабораторияларини ташкил этиш ва жиҳозлашга доир ҳаётий тақлифларни келтириб ўтиш мумкин.

Ота-оналар, ўқитувчилар ва ўқувчиларни ўйлантираётган ушбу муаммоларни ҳал этишда партияимиз ташаббус кўрсатса, сайловчилар ишончини кўпроқ қозонган бўлар эдик. Қурултойдан нафақат делегатлар, балки кенг жамоатчилик ҳам бу каби натижаларни кутмоқда.

Зеро, сайловчи ишончи партияимизнинг келгуси фаолияти учун ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Сайловлар оралиғида ҳар бир ҳудудда партия вакиллари қандай ишлаётганлиги шу ҳудуд аҳолисига қандай равшан. Юзма-юз мулоқотлар чоғида фуқароларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглаб, хулоса чиқариш, депутатларимиз сайловчилар олдида ҳисоб бериши галдаги ишларимизга ижобий таъсир қилишини кўп қўзғатган.

Беш йил олдин партия ҳалқимизга берган ваъдаларини қай даража бажара олди, деган савол сайловолди учрашувларда ҳам ўртага ташланади, албатта. Очигини айтганда, сайловчиларни алдаб бўлмайди, адолат таъминлиги амал қилиб, ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликлар ҳақида рост гапираганимиз маъқул. Қурултойда ана шундай таҳлилий-танқидий ёндашув етакчилик қилиши шубҳасиз.



**Замира АБДУЛЛАЕВА,**  
Ўзбекистон "Адолат" СДП  
Хоразм вилоят кенгаши  
матбуот котиби

Таъкидлаш жоизки, ўтган беш йил давомида Ўзбекистон "Адолат" СДП томонидан амалга оширилган барча ишлар, бугунги кунда ҳалқимиз, электоратимиз томонидан қандай қабул қилинганлиги бўлажак сайловларда ўзининг баҳосини олади.

## Кадрлар кўнимсизлиги барҳам топиши керак

Ўйлаётганимиз, ҳар биримиз "ўтган беш йилликда партиянинг барча имкониятлари ва салоҳиятидан тўлақонли фойдаландикми?" — деган саволга аниқ жавоб беришимиз керак. Менинг назаримда, партиянинг салоҳиятидан тўлақонли фойдаланилмаётти. Бундан кўндалмаётгани ҳам мумкин.

Аввало, партия кадрлари билан ишлаш тизимини янада кучайтириш лозим. Шунингдек, партия тизимида кадрлар кўнимсизлиги бўтунай барҳам топиши керак. Партияимизнинг янги шаклландиган Сиёсий Кенгаши айнан шу масалалар юзасидан тизимли иш олиб бориши, муаммоларни бартараф этиш чораларини кўриши лозим бўлади.

Албатта, Қурултойдан аниқ ва салмоқли натижалар кутаямиз, анжуманда қабул қилинадиган қарорлар ижроси Қорақалпоғистон Республикасида истиқомат қилаётган юртдошларимизнинг манфаатларига ҳам хизмат қилиши шубҳасиз. Хусусан, ҳудуднинг ўзига хос шароити ва имкониятларидан келиб чиқиб билдирган тақлифларимиз янги Сайловолди дастуримиздан ўрин эгаллашига катта умид боғлаганимиз. Жумладан, экологик муҳит, ичимлик суви таъминоти оид тақлифларни келтириб ўтиш мумкин. Очигини айтганда, эътибордан четда қолган бир масала — она табиатимизда ёввойи ҳайвон турларининг кўпайиши ёки камайиши, табиий ёки бошқа сабабларга кўра янги турлар пайдо бўлиши жараёнида назоратни кучайтиришга оид вазибалар дастуримизда қайд этилади, деган умиддамиз.

Яна бир масала. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида мавжуд 970 турдаги ўсимликлардан 800 дан ортиги ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар ҳисобланади. Айнан ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимлик турларидан 11 таси камёб ёки йўқолиб кетиш хавфи остидаги тур сифатида Ўзбекистон Республикасининг "Қизил китоби"га киритилган. Демак, ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш масалаларида ҳам ҳали қиладиган ишларимиз кўп.

Бу каби фикр ва тақлифларимиз партиянинг муҳим вазибаларига айлангани қорақалпоғистонлик барча "адолатчи"ларни янада руҳлантиради, албатта.



**Зоҳиджон ЗИЯДУЛЛАЕВ,**  
Қорақалпоғистон Республикаси  
Жўқорни Кенгашининг  
"Агрор, сув ҳўжалиги ва  
табиати муҳофаза қилиш  
масалалари" кўмитаси раиси

## Очиқ мулоқотлардан дастурий вазифаларгача...

Ҳудудларда ўтказилган очиқ мулоқотлар чоғида асосан қайси масалалар кўпроқ тилга олинганлиги аини шу йўналишларда тизимли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарурлигини кўрсатди.

Жойларда аҳоли билан учрашувларда мурожаатларнинг аксарияти газ, электр энергияси, ичимлик суви таъминоти, йўлларни таъмирлаш, ҳалқ таълимий муассасаларидаги шарт-шароитларни яхшилаш, уй-ҳой коммунал хизматлари, ногиронлик аравачаси етишмовчилиги, ишга жойлаштириш каби масалаларни қамраб олганлиги кузатилди. Демак, партияимизнинг янги Сайловолди дастурида ушбу муаммоларни республика миқёсида ҳал этишга доир тизимли ишларни йўлга қўйиш вазифалари ўз аксини топади.

Сиёсий куч ҳаётий вазифаларни, ҳалқ манфаатларини рўйбга чиқаришга хизмат қиладиган мақсадларни ўз олдига қўйиши, сайловчилар ҳузурига ана шундай мукамал дастурлар билан кириб бориши сайловларда ижобий натижа беради.

Дейлик, ҳар бир синфхонада ўқувчилар сони 25 нафардан ошмаслиги тақлиф қилинмоқда, бунга қандай эришилади? Аҳоли сони ортаётганини, аини пайтда синфхоналарнинг ҳар бирини 35-38, ҳатто 45 нафаргача ўқувчи ўқитган ҳолатлар борлигини назарда тутиб, янги

дастуримизда "партия республикамиз бўйича умумтаълим мактабларида ўқувчи ўрини 1,8 баробарга қўлайтириши муҳим вазифа деб ҳисоблайди. Шу мақсадда тегишли давлат дастури қабул қилиниши ва амалга оширилишида ташаббус кўрсатади", деб белгиланмоқда.

Яна бир оддий мисол, ногиронлик аравачаси етишмайдимиз, уни импорт қилиш лозим. Дейлик, автомобильлар, қишлоқ ҳўжалик техникалари юртимизда ишлаб чиқарилса ҳам бу турдаги машиналарни импорт қилишга эҳтиёж камайгани йўқ-ку. Демак, мутасадди ташкилотларнинг масъулиятини кучайтириш, масалани аниқ қилиб ўртага қўя олиш лозим, холос.

Умумтаълим муассасаларида замон талабларига мос ўқитишни йўлга қўйиш, тиббиёт муассасаларида энг сўнги технологияларни қўллаш, шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги тафовутни камайириш, қишлоқ инфратузилмасини яхшилашга қаратилган вазифаларни газ, электр энергияси, ичимлик суви таъминоти-



**Рўйиддин РАУПОВ,**  
ҳалқ депутатлари Қашқадарь  
вилояти Кенгаши депутати

## Мукамал ва ҳалқчил дастур ҳалқ манфаатларини ҳимоя қилади

Кейинги йилларда баланспарвоз гаплардан кўра одамларнинг дардини тинглаб, аҳоли билан яқин алоқада ишлаш партияимиз депутатларининг асосий вазифасига айланди. Бу очиқ мулоқотлар аҳолининг сиёсий партияларга муносабатини тўдан ўзгартирмоқда.

Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг янги тизимини янада такомиллаштириш, ёшлар чўқурлаштиришга хизмат қилади, албатта. Бу эса сайловлар демократиянинг муҳим тамойилларига тўла жавоб берадиган даражада ўтишида ҳам муҳим ўрин тутаяди.

Партияимизнинг 2020-2025 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурини ишлаб чиқишда кенг жамоатчилик муҳокамаси орқали ижтимоий ҳаётни ўзидан акс эттирган долзарб масалалар юзасидан асосланган тақлифлар жамланганлиги диққатга сазовор. Зеро, партияимизнинг номи ҳалқ дилига яқин экан, у ўз номига муносиб бўлиши, унинг дастури ҳалқчил ва мукамаллиги билан ажралиб турмоғи лозим.

Жиззахлик сафдошларимиз ҳам Сиёсий ва Сайловолди дастурларимиз лойиҳаси учун, жумладан, ёш ташаббускор кадрларни танлаш ва уларни

раҳбарлик лавозимларига тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, ёшлар муаммоларини ўрганиш ишларини тизимли ташкил этиш, имконияти чекланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларни, етим ёки турли сабабларга кўра, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида тақлифлар билдиришди. Ёшлар — келажакнинг ишончли ворислари. Ҳар бир давр ёшларининг билим даражаси, дунёқараши, ўй-фикри, маънавий қиёфасига қараб ўша жамиятнинг эртанги кунини аниқ тасаввур этиш мумкин.

Қурултойда қабул қилинажак дастурларимиз давлат ҳокимияти идораларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини янада кучайтиришга хизмат қилади. Негаки, жамоатчилик бевоқифа давлат ва жамият бошқарувида аралашини керак. Мамла-

катимизда шу тариқа давлат ва ҳалқ ўртасидаги чамбарчас боғлиқликни янада кучайтириш мумкин.

Ишончимиз комилки, партиянинг 2020-2025 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастури мамлакатимиз янада тараққиёт этишига, ҳалқимиз оқилолиги ва фаровонлигига хизмат қилувчи дастур бўлади.



**Ҳосилбек АБДУРАСУЛОВ,**  
ҳалқ депутатлари Дўстлик тумани  
Кенгаши депутати

Сўнги уч йил ичида мамлакатимиз ривожланишининг янги босқичга кўтарилиб, янги-янги марраларни қўлга киритмоқда. Бу янгиланишлар сиёсий партиялар фаолиятида ҳам ўз аксини топтоқда. Асосийси, партиялар соғлом рақобат, очиқлик, ошкоралик принципини асосида фаолият олиб боришмоқда.

## Партия кучлари янада жиҳслашади

Шуларни назарда тутиб, хусусан, янги қабул қилинажак Сайловолди дастурида аввалгилардан кескин фарқ қилишига ишонаман. Яъни унда янгиланган Ўзбекистоннинг бугуни ва келажги, ҳалқимизнинг орзу-ниятлари, бу эзгу мақсадлар рўйбга чиқишида "Адолат" социал-демократик партиясининг устувор вазифалари акс этмоғи лозим.

Эндиликда фуқароларимиз ўз фикрини, жамият ҳаётидаги ўзгаришлар, воқеликларга муносабатини очиқ-ойдин айта олади. Керак бўлса, қонун ҳужжатлари ишлаб чиқишида бевоқифа ёки билвосита иштирок этади. Партияимизнинг янги дастурлари муҳокамасида ҳам "марказдан қўйишга эмас, балки қўйилган марказга" шиори яна бир бор ўз тасдиғини топти.

Сирдарёлик маслақдошларимиз ҳам ўз тақлифларида ижтимоий ҳаётимизнинг долзарб масалаларини кўтаришга интилдилар. Хусусан, умумтаълим мак-

табларининг синфхоналарида ўқувчилар сонини оптималлаштириш, дарс сифатини таъминлаш мақсадида мактаб синфхоналарига видеокамералар ўрнатиш, мактаб дарсликлари бепул бўлишини таъминлаш, қишлоқ жойларида йўловчи автобуслар қатновини ташкил этиш, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга доир аниқ тақлифларга оид вазибалар Сайловолди дастуридан ўрин олади, деб ўйлаймиз.

Сиёсий ва Сайловолди дастурларимиз ижроси депутатлик ўринларини кўпроқ эгаллашимизга боғлиқ эканини чўқур тушунамиз. Бунинг учун партия сайловчилар олдига уларни ишонтира оладиган дастурлар билан чиқиши, сайловларда депутатликка муносиб номзодларни кўрсатиши, ҳалқни ўз ортиндан эргаштира олиши лозим. Шу билан бирга, бу йилги сайловлар мулоқо янги шароитда ўтишини, кимлар депу-



**Муқаддас МАЛИКОВА**  
Сирдарё вилоят "Юрт истиқболи" ижтимоий-ахборот маркази директори, партия фаоли

# НИМА КУТАЯЛПМАН?

Бугун янгиланаётган Ўзбекистон жаҳон афкор оmmasига ислохотлар борасида ўзининг янги сийсатини намойён этмоқда. Бу сийсат, энг аввало, мамлакат иқтисодийетини товар ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар манфаатларига мос тарзда ривожлантириш, давлат бошқарувида очиқлик принципларига қатъий амал қилиш, дунё давлатлари ва, айниқса, яқин қўшнилари билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, фуқароларнинг эркинликлари ва конституциявий ҳуқуқларини тўла ҳимоя қилиш сингари устувор масалаларда ўз аксини топмоқда.

## Ишончсизлик бор жойда тараққиёт ҳам сусаяди

Хўш, дунё ҳамжамияти томонидан самимий эътироф этилаётган бу сийсатни ишлаб чиқишда мамлакатимизда фаолият юритаётган сийсий партиялар қай даражада иштирок этмоқдалар? Уларнинг давлат бошқарувини шакллантиришда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш борасидаги ташаббуслари, ислохотлар натижадорлигини таъминлашдаги тақлифлари етарлими? Партияимиз ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий соҳада эътибордан четда қолиб келган қайси масалаларни кун тартибига олиб чиқиши зарур?

Зарур. Чунки сир эмас, юртимизга хорижий сайёҳлар кўпроқ келишини истаймиз лекин хорижий меҳмонларга юқори даражада хизмат кўрсатишни ўрнига қўя олмаимиз. Меҳмонхоналар етишмапти, йўллар талабга жавоб бермайди, интернет хизмати тежор эмас. Транспорт, логистика соҳасида ҳам муаммолар бир талай. Башарти, партия ўз депутатлари орқали туризм соҳасидаги қонунчилик ташаббусларида фаоллик кўрсатса, муаммолар ечимини назоратта олса, аини мудоа бўлар эди.

Шунингдек, аграр соҳадаги ислохотлар ижросини таъминлашда, хусусан, инновацион технологияларни жорий этишда партия ташаббуслари муҳим роль ўйнайди, деб ҳисоблайман. Эртанги Курултой партиянинг янгиланаётган Ўзбекистоннинг шиддаткор ҳаракатига мос ва янги тараққиётга қўмак берадиган сийсий позициясини яққол намойён этади, деб ишонаман.



**Дилшоҳ ҲАБИБУЛЛАЕВ**, Самарқанд вилоят давлат молиявий назорат бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари

Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг олий органи ҳисобланган Курултойда, аввало, ана шу саволларга жавоб топишни ва ўрни келганда, партиявий бурч, масъулиятдан келиб чиққан ҳолда ўз тақлифларини бартараф этишни истардим.

Чунки партиянинг Сайловолди дастури лойиҳасида кўпчиликти ташвишлантираётган ҳаётий масалаларга доир муносабатлар билдирилган. Айниқса, дастурда фуқароларнинг давлат идораларига бўлган ишончинини мустаҳкамлаш мақсадида қонун устуворлигини сўзда эмас, амалда таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларни янада кучайтириш, коррупцияни бартараф этиш, тергов ишларини четдан аралашувларсиз олиб бориш учун Республика Тергов қўмитасини тузиш борасидаги тақлифлар алоҳида аҳамиятга моликдир. Негаки, фуқароларнинг ҳуқуқ-манфаатлари қонунга зид равишда чекланган жойда, энг аввало, ислохотларга зийн етади. Жамиятдаги ривожланиш жараёнларига нисбатан ишончсизлик пайдо бўлади. Ишончсизлик бўлган жойда тараққиёт ҳам сусаяди. Бунага эса асло йўл кўйиб бўлмайди.

Яна бир фикр. Партия туризм ва туризм инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги ташаббусларда янада фаол бўлиши

## Ваъдасига эмас, ишига қараб баҳо беришади

Инсон орзу-мақсадлари рўйга чиқишини, ўзи яшаб турган заминда адолат устувор бўлишини хоҳлайди. Шундай экан, адолатли жамият қуриш, ҳар бир фуқаронинг эркинлиги, қонун олдига тенглиги, билим олиш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи билан асосий масала бўлиб қолаверди. Сайловдан сайловга бўлган давр мобайнида Ўзбекистон "Адолат" СДП ва унинг қуйи ташкилотлари томонидан эътироф этишга арзийдиган қатор ишлар қилинди.

